

FORMAL-FUNCTIONAL INTERPRETATION OF ONE-MEMBER SENTENCES IN UZBEK AND ENGLISH

Jamila Djumbaeva

*Doctor of Philological Sciences, Professor
National University of Uzbekistan*

Abstract. *One-member and two member sentences as types of simple sentences studied from the point of view of traditional interpretation in Uzbek linguistics and there are many scientific research works devoted to identification of their specific features. In this article, one-member sentences considered from the point of view of formal-functional linguistics. According to formal-functional interpretation of one-member sentences created sentence model. One-member sentences in English and one-member sentences in Uzbek studied in comparative aspect through which have been identified their specific peculiarities. The author analyzed scientific works and ideas of Uzbek scientists concerning one-member sentence and two-member sentences, expressed her own considerations. Relying on the Uzbek scientists' considerations, their sentence models analyzed and created one-member sentence models based on simple one-member sentences. Moreover, the author analyzed English scientists' opinions concerning one-member sentences in English. Analysis of one-member sentences in the construction of complex sentences considered in this article too, in addition specific features in comparing languages and their models highlighted in it. The author expressed her opinion concerning ideas on two-member sentences in the construction of complex sentences.*

Key words. *Sentence, model, extended, unextended, full.*

ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА БИР ТАРКИБЛИ ГАПЛАР ФОРМАЛ-ФУНКЦИОНАЛ ТАЛҚИНДА

Жамила Джумабаева

Ф.ф.д, профессор

Ўзбекистон Миллий университети

Аннотация. *Ўзбек тилишунослигида содда гапларнинг бир таркибли ва икки таркибли турлари анъанавий талқинда чуқур ўрганилган бўлиб, уларнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган тадқиқот ишлари ҳам мавжуд. Ушбу мақолада эса бир таркибли гаплар формал-функционал талқинда кўриб чиқилади. Бир таркибли содда гапларнинг формал-функционал тилишунослик нуқтаи назаридан таҳлиliga асосан уларнинг қурилиш қолипи ишлаб чиқилган. Инглиз тилидаги бир таркибли гаплар ўзбек тилидаги бир таркибли гаплар билан чоғиштирма аспектда*

ўрганилиб, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам очиб берилган. Ўзбек олимларининг бир таркиблилик ва икки таркиблиликка оид фикрлари ҳам чуқур таҳлил этилган бўлиб, муаллиф уларга ўз муносабатини билдиради. Ўзбек олимларининг формал-функционал талқинда гапнинг кичик қурилиш қолипини бериши, уларга асосланган ҳолда бир таркибли гапларнинг қурилиш қолипи қандай берилиши мисоллар асосида далиллаб берилган. Инглиз тилида ҳам бир қанча олимларнинг бир таркибли гапларга оид фикрлари таҳлил қилинган. Шу билан бирга қўшма гап таркибида келадиган бир таркибли гапларнинг ҳам таҳлили, чоғиштирилаётган тиллардаги қурилиш қолипининг ўзига хос жиҳатлари ҳам батафсил ёритилган. Муаллиф қўшма гаплар таркибидаги икки таркибли гапларга оид фикрларга нисбатан ҳам мақолада муносабат билдирган.

Калит сўзлар. Гап, қолип, йиғиқ, ёйиқ, тўлиқ.

Биламизки, эга ва кесимнинг мавқеи масаласи жуда узоқ тарихга ва турли талқинларга эга. Жаҳон тилшунослигида ўз ўрнига эга бўлган грамматика (грамматика зависимостей; традиционная грамматика; грамматика непосредственно-составляющих; теньеровская грамматика) ларда ҳам бу масалага турлича ёндашилган. Ҳинд- Европа тиллари, инглиз, немис, туркий ва бошқа тилларда грамматик ҳодисаларни ўрганиб, жаҳон тилшунослигига ўз ҳиссасини қўшган олимлар яъни А.Мейе, О.Есперсен, А.Смирницкий, В.Адмони, Л.Теньер, Ғ.Абдурахмонов, Ф.Камол, Ҳ.Неъматовлар гап бобида кесимга урғу берадилар: «Сказуемое представляет существеннейший элемент предложения... Единственный существенным и постоянным его (предложения) элементом являлся глагол» [А.Мейе, 1938]; «... глагол даёт жизнь предложению и поэтому особенно важен для построения предложения» [О.Есперсен, 1958]; «... глагол в грамматическом строе английского языка занимает совершенно исключительное место» [А.И.Смирницкий, 1959]; глагол – «самый необходимый в структурном отношении компонентов предложения» и «...структурная ось предложения» [В.Г.Адмони, 1963]; глагол «всегда является центральным узлом предложения» [L.Terniere, 1959]. Теньер грамматикасининг асосий хусусиятларидан бири гап асоси (ядро)га

кесимнинг олинишидир. Ўзбек тилшунослари формал-функционал талқинда содда гап асосига атов бирлиги [W] ва кесимлик кўрсаткичлари [Pm]ни олганлар [Г.Х.Нигматов и др. 1984].

Энг кичик қурилиш қолипи [WPm] дан иборат бўлган содда гаплар [CG] дастлаб икки турга бўлинади: гапнинг эгаси билан кела оладиган гаплар (булар шартли равишда [²WPm] белгиланди) ва гап эгасининг бўлишига йўл қўймайдиган [WPm] лар (булар [¹WPm] символи билан белгиланди). [²WPm]ларнинг ҳосилалари нутқда икки таркибли гаплар, [¹WPm]ларнинг ҳосилалари бир таркибли (составли) гапларни беради. Одатда, *Кўрдим.. Ўртоғингни кўрдингми?* каби гаплар бир составли гаплар туркумига киритилади. Аслида эса, булар [²WPm]ни (яъни икки таркибли) гапларнинг бир кўринишидир. Чунки [²WPm]ларнинг ҳосилалари, биринчидан, ҳаракат бажарувчисини гапнинг қурилиш қолипи [ГҚҚ] таркибидаги шахс-сон қўшимчаси орқали кўрсатиб келади, иккинчидан эса, нутқда [²WPm]нинг ҳосилалари эга билан осонликча тўлдирилиши мумкин: *Китобингни олдингми? – Сен бугун китобингни олдингми?* каби гаплар икки таркибли гапларнинг бир кўриниши сифатида талқин этилиши лозим. [²WPm]ларнинг ҳосилалари нутқда ўз эгасига эга бўла олмайди ва гапнинг эгасига эҳтиёж ҳам қолмайди. Шунинг учун [¹WPm]нинг кесими махсус шакллар билан ифодаланиши мумкин.

Бир таркибли гаплар тизим сифатида, комплекс тарзда махсус тадқиқ этилмаган. Аммо унинг алоҳида турлари ўрганилган. М.Я.Блохнинг фикрича, “... инглиз тилидаги содда гаплар иккига: икки составли (ядроли) ва бир составли (ядроли) конструкцияларга бўлиниши керак” [М.У.Блох, 1983]. Икки составли гапларда эга ва кесим, албатта, бевосита ва билвосита ифодаланиши, бир составли гапларда эса фақат биттаси аниқ ифодаланган бўлиши керак. Олим бир составли гапларни тўлиқсиз, озод ёки мустақил ва ўзгармас бир составли гапларга бўлади. Буларнинг учинчиси – ўзгармас бир таркибли гапларга қуйидагилар киритилади:


- 1) номинал конструкциялар;
- 2) саломлашиш формулалари;
- 3) кириш формулалари;
- 4) буйруқ гаплар;

5) узр сўраш формулалари [М.Ҳ.Блох, 1983]. Бир таркибли гапларнинг бир тури бўлмиш номинатив гапларни ажратиш тамойиллари инглиз, немис ва рус грамматикаларида ишлаб чиқилмаган. Номинатив гапларни таҳлил қилганда олимлар генетив гаплар ҳақида ҳам турли фикрдалар. Айрим олимларнинг фикрича, генетив гаплар инглиз тилида йўқ, чунки қаратқич келишиги (родительный падеж)нинг ўзи йўқ. Баъзи олимлар генетив гапларни шахссиз гапларга киритадилар (Распопов И.П., Чесноков П.В., Чеснокова Л.Д.). Вокатив гаплар ҳақида турлича фикрлар мавжуд. Масалан, немис тилидаги бир таркибли атов гапларга ундалмалар киритилган (Адамушко М.И.). Ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи гаплар бир составли гапларнинг бир тури сифатида махсус тадқиқ этилган. Инглиз тилида «однойдерные эмотивные» деб номланган бу гаплар баъзи бир хусусиятлари ҳақида қисқача тўхтаймиз:

1) A+S (сифат+от) шаклидаги ЭГ [*Blame them! Good Heavens, no!* кабилар) қўшма гаплар таркибида қўлланмайди;

2) My+S (менинг+от) қўшма гап қисмлари ўртасида қўлланади;

3) (S+S) шаклидаги гаплар кучайтириш мазмунини ифодалаш учун хизмат қилади. Эргаш гапларнинг (A+S) (My+S) (S+S) каби типлари ўзидан кейин кўп ҳолатларда *Yes, No* сўзларини олади. Муаллиф бир ядроли эмотив гапларни икки типга ажратади:

1) эмотив йиғиқ  My+S)

2) эмотив ёйиқ *Heaven, Why, dear...* [Г.С.Литвищенко, 1972]

Шу билан бирга, олиманинг фикрича, эмотив гаплар морфология эмас, балки синтаксис сатҳида жой олиши ва уларга морфологик таркиби ҳар хил бўлган ундовлар ҳам киритилиши лозим. Ундовлар бошқа сўз туркумлари билан биргаликда ундов гапларни ташкил этиши ва уларнинг бир элементи ҳис-ҳаяжон (эмотив) белгисига, албатта, эгалиги бу фикрни рад этишга йўл қўймайди.

Бир таркибли гапларнинг бир тури – шахссиз гапларнинг инглиз ва ўзбек тилларида қиёсий таҳлили Г.Х.Сатимовнинг монографиясида [1987] жуда чуқур берилган. Ўзбек тилида бу гапнинг тури И.Расулов томонидан тадқиқ этилган ва у «эгаси топилмайдиган гап» (бу гапларнинг эгаси йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас) деб номланган. Г.Х.Сатимов анъанавий «шахссиз гап» атамасини қўллашни маъқул деб билади ва бу ҳақда қуйидагини ёзади: «Ввиду компактности данного описательного оборота (что признаёт и сам автор), и невозможности употребления его на материале английского языка (английское безличное предложение всегда имеет свое подлежащее) мы сочли целесообразным воспользоваться традиционным термином «шахссиз гап» – безличное предложение» [Г.Х.Сатимов, 1987]. Олим инглиз тилидаги шахссизлик категорияси ҳақида ёзади: «В современном английском языке основным средством выражения категории безличности служат синтаксические конструкции с обязательным компонентом «*it*» в роли грамматического подлежащего» [Г.Х.Сатимов, 1987]. Бу масаланинг тарихи, келиб чиқиш сабаблари кўп асарларда кўрилган [Л.С.Бархударов, 1966; Л.С.Бархударов и др., 1978; А.И.Смирницкий, 1959; А.И.Смирницкий, 1958; Ш.И.Шварцберг, 1955] ва шахссизлик категорияси таҳлили (айниқса, инглиз тили материали асосида) ҳақидаги фикрлар билан танишиш биз учун етарли (бу масалалар махсус тадқиқот объектлари бўлган)дир. Г.Х.Сатимов инглиз тили хусусиятига асосланган ҳолда шахссиз гаплар атамасини қўллашни маъқул кўрадилар. И. Расулов қўллаган ва кейинчалик формал-функционал

йўналишдаги ишларда бир таркибли гапларнинг бир тури «эгаси топилмайдиган гап» деб олиниси ҳар жиҳатдан тўғри деб ўйлаймиз. «Шахссиз гап» атамасидан эгаси, умуман, бўлиши мумкин эмас деган маъно англашилмайди. Шахссиз гап (ёки эгасиз гап)ларга баъзи асарларда шахси ноаниқ, шахси умумлашган ва бошқа турлари киритиладики, булар чалкашликларни туғдиради. Шунинг учун И.Расуловнинг бир составли гапларни икки йирик гуруҳ – эгаси топилмайдиган ва эгасиз гапларга бўлиб таҳлил этишини маъқул деб биламиз. Бу масалада ўзбек тилшунослигида бир таркибли гаплар таснифини берган И.Расулов, М.Абузалова ва М.Саидовалар фикрига асосланиб, публицистик услубдаги қўшма гаплар таркибида [1WPm] келиши ҳамда уларнинг инглиз тилидаги варианты билан қизиқдик.

[ҚГ] таркибида қўлланган [1WPm] (ҚГнинг қисми сифатида) лар ўзидан кейинги ёки олдинги қисмлар билан ҳар хил муносабатда бўла олади. [1WPm] ҳосиласи ва бошқа қисмлар ўзаро узвий боғлиқ бўлмай, ҳар бири мустақил қўллана олади. Р.Сайфуллаева [1994] ўз таснифида [1WPm]ларнинг қайси кўринишлари [WPmRWPm] таркибида кела олиши, қандай маъно нозиклигини касб этишга хизмат қилиши ҳақидаги фикрларини беради.

Олима келтирган таснифда бир составли гаплар ҳақида қисқа маълумот келтирилган. Юқоридаги берилган фикрлар кейинчалик М.Р.Саидова, М.Қ.Абузаловаларнинг ишларида кенгайтирилди. М.Қ.Абузалова содда гапларни шакл-вазифа талқинида [WPm] асосида тадқиқ этар экан, бир таркибли содда гапларнинг тил сатҳидаги қолипларини беради. Буни қуйидаги жадвалда кўрамиз:

№	Гап тури	Мисол	Қолипи
1.	От марказли йиғиқ кесимликли ёйилмаган ихчам содда гап.	<i>Баҳор.</i>	[IW ^o йPm ^й]

2.	От марказли йиғиқ кесимликли ёйилган содда гап.	<i>Фасли баҳор.</i>	[IW ^o _ε Pm ^й]
3.	От марказли йиғиқ кесимликли ёйилмаган ихчам содда гап.	<i>Баҳордир.</i>	[IW ^o _й Pm ^й]
4.	От марказли йиғиқ кесимликли ёйилган содда гап.	<i>Фасли баҳордир.</i>	[IW ^o _ε Pm ^й]
5.	От марказли аналитик кесимликли ёйилмаган ихчам содда гап.	<i>Баҳор эди.</i>	[IW ^o _й Pm ^а]
6.	От марказли аналитик кесимликли ёйилган содда гап.	<i>Фасли баҳор эди.</i>	[IW ^o _ε Pm ^а]
7.	Феъл марказли йиғиқ кесимликли ёйилмаган ихчам содда гап.	<i>Борилсин.</i>	[IW ^ф _й Pm ^й]
8.	Феъл марказли йиғиқ кесимликли ёйилган содда гап.	<i>Тошкентга борилсин.</i>	[IW ^ф _ε Pm ^й]
9.	Феъл марказли ёйиқ кесимликли ёйилмаган ихчам содда гап.	<i>Борилмасин.</i>	[IW ^ф _й Pm ^ё]
10	Феъл марказли ёйиқ кесимликли ёйилган содда гап.	<i>Бу ерга борилмасин.</i>	[IW ^ф _ε Pm ^ё]
11	Феъл марказли аналитик кесимликли ёйилмаган ихчам содда гап.	<i>Борса бўлади.</i>	[IW ^ф _й Pm ^а]
12	Феъл марказли аналитик кесимликли ёйилган содда гап.	<i>Тошкентга борса бўлади.</i>	[IW ^ф _ε Pm ^а]

Бу жадвалдан кўриниб турибдики, олима бир таркибли содда гапларнинг тил сатҳидаги қолипларини берган, ихчам атамасини киритган ва бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Ихчам содда гапларнинг моҳияти шундан иборатки, бундай гаплар фақат битта сўз билан ифодаланган

бўлиб, бир марказдан иборат бўлади. Шу бир сўз ёхуд бир марказда гапнинг гап бўла олиши учун зарур ва мажбурий бўлган барча элементлар мужассамланган бўлади (Ёз!; Ёзгин!; Келдим; Баҳор. Ўқитувчиман. Бориш керак. Ўқиса бўлади)» [М.Абузалова, 1994]. М.Саидова бир составли гапларни рус ва ўзбек тилларидаги манбалар асосида қиёслади ҳамда уни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, ўзбек тили моҳиятидан келиб чиқиб тасниф қилиш шарт ва зарурлигини [М.Саидова, 1996] бой мисоллар асосида исботлади. Бир составли гапларнинг нутқий кўринишларини тадқиқ этиш қизиқ маълумотларни беради ва бу келажак ишидир. Бир составли гап қўшма гап таркибий қисмларини ҳам ташкил этади. Бу масалани кўриб чиқар эканмиз, содда гап асосига [WPm] олинганини ҳисобга олган ҳолда, қўшма гапнинг энг кичик қолипи [WPmRWPm]га таянамиз. Ўзбек тилшунослигида бир составли гапларнинг қўшма гаплар таркибида қўлланганлиги ҳақида айрим илмий ишларда фикр юритилган, аммо улардаги ёндашув анъанавий талқинда берилган [Убаева Ф., 1989]. Қўшма гапларнинг қисмлари бир ва икки таркибли бўлиши ҳақида Р.Сайфуллаева қизиқарли фикрларни баён этади. Олиманинг фикрича, *Халқуми қуриган эди, кўз олди қоронғилашган эди* гапида қисмларнинг ҳар бири икки таркибли, тўлиқ ва ёйиқ бўлиб, уларни алоҳида қўллаш мумкин: *Халқуми қуриган эди, кўз олди қоронғилашган эди.* Худди шунингдек, *келган эди, кетдим* гапининг ҳам икки қисми бир эмас, икки таркиблидир. Анъанавий синтаксисда эса булар фақат кесим таркибидан иборат бир таркибли гаплардир. Бизнинг фикримизча ҳам, бу типдаги гаплар икки таркибли (икки составли) гапларнинг бир кўринишидир (бу ҳақда юқорида фикр юритилган эди).

Шунингдек, олима қўшма гап қисмларининг ҳар иккаласи бир таркибли бўлиши мумкинлигини мисоллар асосида кўрсатади. Масалан, *Айтилди, бажарилди ёки Баҳор. Ғалаба куни эди. Бориш керак, гапириши шарт* гапларида ҳар бир компонентни алоҳида қўллаш оламиз. Чунончи,

Бориш керак. Баҳор. Айтилди. Ғалаба куни. Гапириш шарт. Бажарилди. каби гаплар ҳар хил (бу ўринда) қурилмаларга тегишли бўлса ҳам, уларнинг алоҳида қўлланишининг намунаси мана шундай жойлаштирилишидир. Умуман, қисмларнинг жойлаштирилиши ҳар хил бўлиши мумкин ва уларнинг ҳар бири бир таркибли гап бўлиб, эгаси йўқ ҳамда қўлланиш имкониятига эга ҳам эмас. Мисолларда келтирилган қисмларнинг ифодаланиш материаллини, асосан, ўтган замон шакллари билан шаклланган феъллар ташкил этади.

Бориш керак, гапириш шарт мисолида қисмлар келаси замон феъл формалари билан шаклланган. Қисм кесимлари бир таркибли бўла туриб, ҳар хил замон қўшимчалари билан ҳам шаклланган бўлиши мумкин, Чунончи, Айтилди, борилади гапида биринчи қисм ўтган замон, кейингиси келаси замон формаси билан шакллангандир.

Хавотирланишга ўрин йўқ, буларга таяниш мумкин, каби гапларда ҳам эганинг қўлланишига имконият йўқ. Бу турдаги гапларнинг ҳар бири бир таркиблидир. Ҳар бир қисмнинг кесими ўзича ифодаланган ва бунинг қандай кўринишлари мавжудлигини ўрганиш махсус текширишни талаб қилади.

Айрим гапларда баъзи қисмлар бир таркибли, баъзи қисмлар икки таркиблидир: *Бориш керак, айтиб кетишди* (1) У.Усмонов), *Кеч, энди келишади* (2), (Газетадан) *Ҳамма бажаряпти, бажарилсин, айтилсин* (3) (“Шарқ юлдузи”) Бу гапларнинг модели: [¹WPm,²WPm], [¹WPm,²WPm], [²WPm,²WPm, ¹WPm]дир. Биринчи мисолда биринчи қисм кесими келаси замон, иккинчи қисм кесими ўтган замон феъли шакллари билан ифодаланган. Иккинчи қисм мисолнинг биринчи қисми бир таркибли, иккинчиси икки таркибли бўлиб, ўтган ва келаси замон феъл шакллари кесимлари шаклаантиришда хизмат қилмоқда. Учинчи мисолда биринчи ва иккинчи қисмлар икки таркибли, учинчиси бир таркибли ҳамда кесимлар

келаси замон кўшимчаси билан шакаланган. Р.Сайфуллаева томонидан келтирилган қолиплар жуда ихчам ва уларнинг ўрнида М.Қурбонова [Қурбонова М., 2001], М.Абузалова [Абузалова М., 1994] берган қолипларни қўллаш маъкул деб билдик, чунки улар энг кичик қолип бўлса-да, гапнинг структурасини акс эттиради.

Юқорида таркибида бир ва икки составли гаплар мавжуд бўлган [WPmRWPm]лар ҳақида олиманинг фикрига қисқача тўхталиб ўтдик. Унинг қайд этишича, бундай қурилмалар тилимизда кенг қўлланади. Бир неча бир ва икки таркибли гаплардан ташкил топган қурилмалар ҳам, фақат бир қанча бир таркибли гапларни ўз ичига олган қурилмалар ҳам мавжуд. Бу жуда қизиқарли шаклларда, айримлари йиғиқ ва ёйиқ, баъзилари тўлиқ ва нотўлиқ каби шаклларда келади. Бу шакллар парадигмасини келтирган олима уни ҳали давом эттириш мумкинлигини ва улар ўз тадқиқотчиларини кутаётганини қайд этади [Сайфуллаева Р., 1994].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абузалова М.Қ. Ўзбек тилида содда гапнинг энг кичик қурилиш қолипи ва унинг нутқда воқеланиши. Филол. фан. номз. ... автореф. – Т., 1994. – 21 б.
2. Адмони В.Г. Исторический синтаксис немецкого языка. – М., «Высшая школа» 1963. – 335 стр.
3. Бархударов Л.С. Структура простого предложения в современном английском языке. – М., 1966., – 220 с.
4. Бархударов Л.С., Штеллинг Д.А. Грамматика английского языка. – М. 1978. – 423 с.
5. Есперсен О. Философия грамматики. – М. 1958. – 404 с
6. Мейе А. Введение в сравнительное изучение индоевропейских языков. – М. 1938. – 360 с.
7. Нигматов Х.Г. Абдуллаев К.М. Банару В.И и др. Структура предложения и актуальные вопросы синтаксиса тюркских языков (Тезисы формально-функционального исследования) Сов. Тюркология. 1984, №5. с. 3-10.
8. Саидова М.Р. Сравнительно-типологическое исследование односоставных предложений в русском и узбекском языках.

- Автореф. ... канд. филол. наук. – Т. 1996. – 24 с.
9. Сайфуллаева Р.Р. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма гапларнинг формал-функционал талқини. – Т.: Фан. 1994. – 356 б.
 10. Сатимов Г.Х. Типология безличных предложений (на материале современного английского и узбекского языков), – Т.. 1987. – 92 с.
 11. Смирницкий А.И. Морфология английского языка. – М. 1959. – 440 с.
 12. Смирницкий А.И. Синтаксис английского языка. – М. 1958. – 286 с.
 13. Убаева Ф., Сайфуллаева Р.Р. Предикатив бирликлар ва улар ўртасидаги муносабат. – Т. 1989. – 80 б.
 14. Қурбонова М. Ўзбек тилшунослигида формал-функционал йўналиш ва содда гап қурилишининг талқини. Филол. фан. д-ри. ... дисс. автореф. – Т. 2001. – 51 б.
 15. Blokh M.Y. Theoretical English Grammar. – Moscow. 1983. – 383 p.
 16. Temiere L. Elements de syntaxe structurale. – Paris. 1959. – 653 p.